Ушбу сонда: 2 ҲУҚУҚИНИ БИЛИБ, БУРЧИНИ УНУТАЁТГАНЛАР | 3 «НАСАФ» ОРЗУСИ: ЖАҲОН МАЙДОНИГА ЙЎЛ | 4 КАСАБА УЮШМАЛАРИ ШИФО МАСКАНЛАРИДА


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 14 май, жума №59 (706)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ





**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 май куни Оқ саройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Юрий Яровни қабул қилди.**

Ю.Яров Ҳамдўстлик тузилмаларини ислоҳ қилиш масалалари хусусида маслаҳатлашиш мақсадида МДҲ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан. У, шунингдек, сафар асносида Ҳамдўстлик доирасида илгари имзоланган ҳужжатларнинг амалда қандай ижро этилаётгани билан танишади, МДҲ мамлакатларидаги аҳволни ўрганади.

Давлатимиз раҳбари учрашувда Ҳамдўстлик доирасидаги ўзгаришларга тўхталди. Хусусан, МДҲнинг айрим ортиқча тузилмалари мавжудлигини таъкидлади. Бундай бюрократик органларни қисқартириш лозимлиги қайд этилди.

Ю.Яров Ўзбекистон Президентини ўз сафарининг дастлабки натижалари билан таништирди.

Суҳбат чоғида МДҲ доирасидаги жараёнлар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

**Шу куни мамлакатимиз Президенти Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси директори Жерар Штудманни ҳам қабул қилди.**

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги алоқалар ривожланиш йўлида эканлигини таъкидлади.

Ж.Штудман Ўзбекистонда жамиятни демократиялаштириш борасидаги ишлар катта самара бераётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритилди. Ўзбекистоннинг мазкур бюро ва умуман ЕХҲТ билан алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов, Инсон ҳуқуқлари буйича миллий Марказ директори А.Саидов иштирок этди.

Қабулда ЕХҲТнинг Марказий Осиё билан алоқалар бўйича бюроси раҳбари Г.Ганчев ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

**Суратларда: қабул пайти**
**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинликка чорлаган, шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз, ўсиб келаётган ёш авлод онгида мустақиллик қадриятларига, инсон ҳақ-ҳуқуқларига юксак ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтириш, уларни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, демократик тамойиллар руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга маҳкум этилган ватандошларимизнинг исми шарифини аниқлаш, таржимаи ҳоли, фаолиятини ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун жамоатчилик комиссияси тузилсин, унинг таркиби тасдиқлансин.

Комиссия ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этсин.

2. Миллий Хавфсизлик хизмати, Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фанлар академияси, Президент девони архиви ва Бош архив бошқармаси комиссияни барча зарур архив материаллари билан таъминласин.

3. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, ЎзА ва бошқа оммавий ахборот воситаларига комиссия фаолиятини ҳамда шу масала билан боғлиқ мавзуларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

4. Комиссия бир ой муддатда ушбу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 май.

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

**Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси директори Жерар Штудман раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова билан учрашди.**

Учрашувда меҳмонларга Омбудсманнинг Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлаб берилди.

Делегация раҳбари Ж.Штудман Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берди. У Европа Комиссияси мамлакатларнинг нафақат иқтисодий, балки демократик ривожланишига ҳам алоҳида эътибор билан қарашини таъкидлади. Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар демократик жамият қуриш ва инсон ҳуқуқларининг тўла таъминланишига ижобий таъсир кўрсатади, деди меҳмон.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан ЕХҲТ бюроси ўртасидаги алоқалар, ҳамкорликнинг истиқболдаги режалари хусусида фикр алмашилди.

ЕХҲТ бюроси делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказ ҳамда Марказий сайлов комиссиясида ҳам бўлиб, музокаралар ўтказди.

**(ЎзА)**

*Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур*

## БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР УЧУН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг 14-сессиясида қўйган вазифалар асосида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун янги, замонавий дарсликлар тайёрлашга бағишланган республика семинар-кенгаши бўлди. Кенгашда янги дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифлари, Фанлар академияси, Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда республика ўқув юртларининг вакиллари иштирок этди.**

Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳасида юз берган кенг миқёсли ўзгаришлар мамлакат халқ хўжалигининг барча соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Аммо янги тафаккурга эга бўлган мутахассисларни ўтмиш мафкураси билан йўғрилган эски дарсликлар воситасида тайёрлаб бўлмайди. Ўзбекистон раҳбарияти бу масалага катта аҳамият бермоқда. Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг 14-сессиясида бутунлай янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш устидан алоҳида назорат ўрнатиш зарурлигини қайд этган эди.

Кенгаш қатнашчилари 1999-2001-йиллар мобайнида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш учун янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш истиқболларини муҳокама қилдилар, ўқув адабиётини нашр этиш режаларини кўриб чиқдилар. Дарсликлар сифатини ошириш учун ишни танлов асосида ташкил этишга қарор қилинди. Фанлар академияси институтларининг етакчи олимлари, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хизмат қилаётган мутахассисларнинг жалб этилиши бунга кўмаклашади.

Кенгашда янги дарсликларнинг муаллифлари меҳнатини маънавий ва моддий рағбатлантириш, уларга ижодий иш учун шароит яратиб бериш, улар билан шартномалар тузиш зарурлиги масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу ишга бюджет маблағларидан ташқари, таълим муассасаларининг ўз маблағларини ҳам кенг жалб этиш, хорижий жамғармалар грантлари ва ҳомийларнинг имкониятларидан фойдаланиш лозим.

**А.ИВАНОВА, (ЎзА)**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

**1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида**

**Хоразм вилоятида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. 1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури маъқуллансин.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи бирлашмалар кўрсатиб ўтилган Дастурни рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирлар комплексини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

2. Хоразм вилояти ҳокимлиги Дастур қоидаларининг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш бўйича мукаммал чора-тадбирлар кўрсин, бунда қуйидаги вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берсин:

суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, истиқболсиз, иқтисодий жиҳатдан ночор, зарар кўриб ишлаётган хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш;

меҳнатга лаёқатли аҳолини, биринчи навбатда ёшларни ва таркибий қайта ўзгартиришлар натижасида бўшаб қолган ходимларни иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қурилиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, касаначилик меҳнати соҳаларида кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш;

туризм ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, халқ ҳунармандчилигининг, шу жумладан заргарлик, бадиий буюмлар ва шу кабиларни ишлаб чиқариш бўйича тарихий анъаналарини қайта тиклаш;

ижтимоий инфратузилмани, биринчи навбатда қишлоқ жойларда, ривожлантириш ҳисобига аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, ёшлар ўртасида маърифий, маданий-тарбиявий ва спорт-оммавий ишларни кенгайтириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда тегишли йиллар учун инвестиция дастурларини шакллантиришда бюджетдан капитал қўйилмаларнинг зарур лимитларини, шунингдек бюджетдан ташқари жамғармалар, ташкилотлар ва корхоналар, хорижий инвестициялар ҳамда бошқа манбалар маблағларининг ушбу Дастурнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайдиган миқдорларда жалб этилишини белгиланган тартибда назарда тутсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги:

амалдаги қонун ҳужжатларига ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, мулкий пайлар ва оила пудратини жорий этиш асосида жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалиги кооперативлари /ширкатлари/га айлантириш;

истиқболсиз, зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар негизида, янгидан ўзлаштирилаётган ва ўзларига ажратилаётган ер участкаларида уй-жойлар қуриш ҳуқуқисиз қўшимча равишда ажратилаётган ерлар ҳисобига деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этиш;

шу йилнинг 1 октябригача Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан биргаликда қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ва янги ташкил қилинаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари учун қайта тақсимланаётган ер ресурсларини хатловдан ўтказиш бўйича жадвални ва чора-тадбирлар комплексини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўрта, кичик ва микробизнесни ривожлантириш бўйича муфассал чора-тадбирлар кўрсинлар, бунинг учун:

бюджетдан ташқари жамғармалар ва тижорат банклари томонидан ажратиладиган маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини ва ўзлаштирилишини;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан ва бошқа соҳалардан бўшаб қолган ходимларни, уларни кичик, ўрта ва микробизнес соҳаларига ишга жойлаштириш учун, бизнес-мактабларда ҳамда бизнес-инкубаторларда ўқитиш ва қайта тайёрлашни таъминласинлар.

6. «Ўзавтосаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бошқа манфаатдор вазирликлар, идораларни жалб қилган ҳолда, Питнак шаҳридаги Хоразм автомобиль заводининг ишлаб чиқариш қувватларидан келгусида фойдаланиш масаласини бир ой муддатда ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1999-2000 йилларда Урганч тузатиш-экскаватор заводида экскаваторлар ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси 2000 йил инвестиция дастурига киритиш учун «Клаас» /Германия/, «Кейс» /АҚШ/ ва «Лемкен» /Германия/ фирмалари билан ташкил этилаётган қўшма корхоналарда ишлаб чиқариш мўлжалланаётган мураккаб импорт техникасига бутловчи буюмларни «Урганчозуқамаш» акциonерлик жамиятида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг техник-иқтисодий асосларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Кадрлар тайёрллаш миллий дастури талаблари асосида минтақада енгил ва қайта ишлаш саноатини, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда Урганч давлат университетида кадрлар тайёрлаш йўналишларини кенгайтирсин;

Урганч давлат университети ҳузурида Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари таркиби малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш марказини ташкил этсин.

10. Хоразм вилояти ҳокимлиги мазкур қарорнинг мониторинг тизимини ташкил этсин ва жорий йилнинг учинчи чорагидан бошлаб ҳар чорак якуни бўйича унинг бажарилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

11. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда зарар кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини тугатиш тартибини ҳамда улар негизида ташкил этиладиган деҳқон ва фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатиш масалалари бўйича таклифларни икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.Ҳамидов ва Б.Олимжонов, шунингдек Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 13 май

